

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ БОШҚАРУВИДА ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЎРНИ

**Шамсия Исмаилова**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви  
академияси

[shamsiya2021@mail.ru](mailto:shamsiya2021@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола олий таълим бошқарувини амалга оширишда ижтимоий тадқиқот натижаларидан фойдаланиш муаммоларига бағишланган. Талабаларда шахсий ва касбий компетенцияларни ривожлантиришда ахлоқий кадриятларнинг ўрни, ёшларнинг ўз-ўзини англаши ва ушбу омилларнинг мутахассислар тайёргарлиги жараёнига таъсири ҳақида фикр билдирилган.

**Калит сўзлар:** олий таълим, менежмент, ижтимоий тадқиқот, ахлоқий кадриятлар, мутахассис шахси, компетенциялар

### ABSTRACT

This article focuses on the problems of using the results of social research in the implementation of higher education management. It reports about the role of moral values in the development of personal and professional competencies of students, the self-awareness of youth and the impact of these factors on the process of training professionals.

**Keywords:** higher education, management, social research, moral values, young staff, competencies

### КИРИШ

Жамиятимизнинг замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари мутахассис кадрлар тайёргарлиги масалаларига янгича ёндашувни талаб қилади. Мутахассислар шахсий ва касбий компетенцияларига бўлган талаблар ёшларда билимдонликни ижодкорликни, ўзгаришлар, янгиликларга очикликни, мулоқотчанликни, мустақил қарорлар қабул қилиш кўникмаларини, шахсий ривожланиш йўналишларини мустақил белгилай олиш ва шу каби профессионализмга доир сифатларни шакллантиришни назарда

тутади. Педагогик тизим олдига қўйилган юқоридаги талабларни амалга оширишда олий таълимнинг ўрни алоҳида эканлигини кўрсатишимиз мумкин.

Ҳар қандай педагогик тизим ўзида жамият ижтимоий- иқтисодий тараққиёти мазмун-моҳиятини акс эттиради. Педагогик тизим ўзаро алоқадорликдаги бир қатор таркибий қисмлардан иборат ва улар бевосита бир-бирини тақазо қилади.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

Б.П.Беспалко, Ю.В.Васильева, Н.В.Кузмина, И.И. Махмудовларнинг фикрича педагогик тизим – бу ўсиб келаётган ёш авлод, шунингдек, катта ёшдагилар таълим-тарбияси мақсадларига мослаштирилган ўзаро боғлиқ унсурлардан таркиб топган тузилмадир. [2,3,5] Педагогик тизим бошқаруви самарали бўлиши кўп жиҳатдан тизим қатнашчилари билан қайтма алоқанинг изчил йўлга қўйилганлигига боғлиқ.

В.М.Филипповнинг фикрича педагогик тизим ўзида узвийликни акс эттиради ва ижтимоий муҳит ҳамда педагогик жараён қатнашчиларининг моддий ва маънавий қадриятларига таянади ҳамда шахс камолотини таъминловчи ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. [7]

Шундай экан, педагогик тизим ижтимоий ҳаёт қонун-қоидалари ва тамойилларига биноан ўз фаолият йўналишини белгилаб олади. Педагогик тизим ўзида жамият ривожланиш йўналишлари ва истиқболини акс эттиради ва ўз навбатида унинг тараққиётига хизмат қилади.

Педагогик тизимнинг вужудга келиш омилларидан бири ижтимоий буюртма ҳисобланади. Педагогик тизим ижтимоий ҳаёт, жамият тараққиёти мақсадларини амалга оширишдаги фаолиятда мустақилдир.

Демак, педагогик тизимнинг асосий мақсади – ёш авлодни мустақил ҳаётга тайёрлаш ва уларнинг маънавий –ахлоқий камол топиши учун барча шарт-шароитларни яратишдан иборат. Педагогик тизимга нисбатан ижтимоий буюртмачи сифатида давлат, жамият, ота-она ва таълим олувчилар қатнашади. Ижтимоий буюртма мазмунидан келиб чиққан ҳолда замон талаблари даражасида таълим шакл ва методлари белгиланади. Педагогик тизим доимий ривожланишдаги ҳамда ҳаракатдаги ижтимоий ҳодисадир. Олий таълимда педагогик тизим ўзининг муайян тармоқларига эга ва яхлит дидактик жараёнда мутахассис шахси шаклланиши масалаларини хал қилади.[1]

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, педагогик тизим аниқ мақсадларни кўзлайди ва бу мақсадларни амалга оширишда ижтимоий тадқиқотларнинг аниқ натижаларига асосланиш мутахассислар тайёргарлигида муҳим омил ҳисобланади.

## НАТИЖАЛАР

Ёшлар тарбияси, уларнинг дунёқараши ва ўзлигини англаши масаласи мамлакат тараққиёти, талабанинг касбий шаклланиши, келажагини кафолатловчи муҳим омил ҳисобланади. Урганч давлат университети талабалари ўртасида “Ёшлар ва ахлоқий қариятлар” мавзусида ижтимоий сўровнома ўтказилди. Сўровномани ўтказишдан мақсад жамият барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши шароитида ёшларнинг миллий-маънавий қадриятларга бўлган муносабатини ўрганиш, уларнинг дунёқараши, ҳаётий қадриятлари тизимига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф қилишдан иборат бўлди. Сўровномада университет талабаларидан 145 нафари қатнашди ва маънавий-ахлоқий қадриятлар тўғрисида ўз фикрларини билдирди.

## МУҲОКАМА

Қадрият тушунчасини 76% респондент урф-одат, анъаналар, миллий маросимлар билан боғлаганлар. Қадриятларни ҳурмат қилиш лозим, аждодларимиздан бизгача етиб келган анъаналар, қадриятлар тарихий мазмун касб этиши, авлоддан-авлодга ўтиши, уларнинг боқийлиги ҳақидаги фикрларни билдирганлар; 13% респондент қадриятларни асосан миллийликда кўрганлар, 9% респондент қадриятларни миллий менталитет омили билан боғлаганлар, халқимиз турмуш тарзи, элимизга хос бўлган муносабатлар тизими сифатида қараганлар ва миллат қиёфасини акс эттиришини кўрсатганлар; 2% эса моддий ва маънавий қадриятлар уйғунлиги ҳақида фикр билдирганлар.

Миллий қадриятларимизни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги тўғрисида 43% талаба қадриятлар тикланиши мустақиллик билан боғлиқ эканлигини билдирганлар. Юртимизда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва унинг мустаҳкамланиши, наврўз ва бошқа миллий байрамлар, урф-одатлар қайта мазмун касб қилганлиги, миллий туризмнинг ривожланиши, муқаддас қадамжоларнинг обод қилиниши билан боғлиқ, деб билганлар; 24% талаба бу борадаги ютуқларни мамлакатимизда

кейинги йилларда олиб борилаётган изчил ижтимоий-иқтисодий сиёсат натижалари билан боғлаганлар; 33% талаба кундалик маиший муносабатлардаги ахлоқий стереотиплар маълум маънода трансформация бўлаётганлигини ва бу ҳодисанинг ижобий ҳамда салбий жиҳатлари ҳақида ўз фикрларини билдирганлар.

Қадриятларимизнинг асосий қисмини ташкил этувчи ахлоқий мезонлар ҳақида ҳам талабалар ўз фикрларини билдирганлар. 82% талаба ахлоқий қадриятлар ёшлар учун энг муҳим деб қараганлар. Улар ахлоқ тарбияси ўзбек халқи учун азалдан муҳим ҳисобланганлиги, бу ўз навбатида ўзаро ҳурмат, виждонийлик, дўстлик, ғамхўрлик, кийиниш одоби, муомала, оилада эркак ва аёлларнинг ижтимоий роллари кўринишида намоён бўлишини билдирганлар; 10% талаба ахлоқий қадриятлар асосан оилада шакллантирилиши лозимлигини кўрсатганлар. Ахлоқ маънавиятимиз асоси, инсонийлик моҳиятини белгиловчи, шахсга доимо ўзлигини англатиб турувчи мезон, деб қараганлар. 8 % респондент ахлоқий қадриятлар трансформациясининг оилада шахслараро муносабатларга салбий таъсири кучли эканлигини кўрсатганлар.

Виждон поклиги асрлар, замонлар оша инсон маънавиятининг таянч устунларидан бири бўлиб келмоқда. Жамият ҳаётида адолат ва ҳақиқат, меҳр-шафқат, инсофу- диёнат каби тушунчаларни қарор топтиришда айнан мана шу омилнинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Виждони уйғоқ одам ён-атрофида бўлаётган воқеаларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қарай олмайди.

Ахлоқий тушунчаларни ёшлар онгига сингдиришда оилавий муҳитнинг ўрни ҳақидаги фикрлар ҳам ўрганилди. 92% талаба томонидан бу масалада оила омили муҳимлиги кўрсатилган. Оилада ота ва она намунаси асосий тарбия мезони эканлигини билдирганлар. Респондентлардан 6% бу ўринда таълим муассасаларининг ўрни катта, деган бўлса, 2% талаба бирор фикр билдиришга қийналганлар. Оила тарбиясининг аҳамияти шундаки, унинг таъсирида биринчидан, фарзанд катта, мустақил ҳаётга, жумладан, оилавий ҳаётга тайёрланади, ўзига яраша инсоний фазилатларни шакллантириб боради, иккинчидан, ҳар томонлама етук, баркамол, ақлли, соғлом шахс бўлиб етишиш имкониятига эга бўлади. Яъни, оила ва ундаги соғлом маънавий муҳит болани жамиятда яшашга, ўзига ўхшаган шахслар билан муроса қилиш, ҳамкорликда фаолият юритиш, касб эгаллаш, муомалада ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилишга ўргатади, психологик жиҳатдан тайёрлайди.

Оила қанчалик иноқ, уюшган ва мустақкам бўлса, унинг фарзанд шахсига таъсири ҳам шунчалик самарали бўлади. Бундай оила ўзининг қадриятларидан ташқари, жамият қонун-қоидалари ва меъёрларини ҳурмат қилади, фарзанд ёшлигидан жамиятда яшашга ўрганади.[4]

Ахлоқий қадриятларни тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ҳақида респондентларнинг фикрлари таҳлил қилинди. 76 % талаба оммавий ахборот воситаларининг ахборот майдонида кўлами ва таъсири беқиёс ва бу имкониялардан тўлиқ, ўз ўрнида фойдаланиш керак, нафақат телевидение, балки ижтимоий тармоқлар имкониятларидан фойдаланиш лозим, лекин булардан самарали фойдаланилмаётир, деган фикрларни билдирганлар; 24% талаба миллий интернет сайтларини янада такомиллаштириш лозим, уларни халқимизнинг азалий урф-одат, анъаналари, маънавиятимиз ютуқлари, аждодларимиз қолдирган бой меросимиз ҳақидаги маълумотларни бугунги кун билан боғлаган ҳолда ёшлар онгига етказиш, улар дунёқарашига кириб бориш, миллий руҳдаги кинофильмлар яратиш масаласини кўндаланг қўйганлар. Буюк аждодларимиз, жумладан, Жалололдин Мангуберди ҳақида киноэпопея ишлаш лозимлиги айтилган.

Бугунги шароитда жамиятда ахлоқий қадриятларни асраб авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш учун амалга оширилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида 71% респондент ёшлар ўртасида ахлоқ-одоб масаласига эътиборни кучайтириш, миллий ва умумбашарий қадриятларни авайлаб-асраш, тарғибот ишлари таъсирчалигини ошириш, бу масалада оила масъулиятини ошириш, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларда тарбиявий мазмундаги тадбирларни ўтказиш, ёшлар фаоллигини ошириш, омма орасида тушунтириш ишларини олиб бориш лозимлигини билдирганлар; 29 % респондент - хар бир ёш ўз тарихий илдизларини чуқур билиши, миллий қадриятларга содиқ қолиши, уларни кенг тарғиб қилиши ва келажак авлодга етказишда масъуллигини билдирганлар.

## ХУЛОСА

Олинган натижалар асосида университетда ёшлар масалалари билан ишлаш учун масъул ходимлар, профессор-ўқитувчилар ва ота-оналар учун йўриқномалар ишлаб чиқилди. Ушбу йўриқномада қуйидаги масалаларга эътибор қаратилди:

1.Талабалар жамоасини шакллантириш, улар орасида шахслараро соғлом

муносабатларни ривожантириш ва бунда ёшлар ахлоқий кадриятларини инобатга олиш, педагогик мулоқотнинг самарали ва таъсирчан услубларини танлаш, ижобий психологик муҳитни яратиш, ўзаро самимий дўстона ҳамкорликни юзага келтириш масалаларига эътибор қаратиш муҳимлиги кўрсатилди.

2.Тьюторлар эътибори талабаларда илмий-ижодий қобилиятни ривожлантириш, касбий ахлоқни шакллантириш, самарали ўқув-тарбиявий фаолиятни йўлга қўйиш, ёшлар билан ишларни ташкил қилишда уларнинг шахсий-психологик хусусиятларини инобатга олиш каби масалаларига қаратилди.

3.Ота-оналарга фарзанд тарбиясида уларнинг ёш, жинс ва психологик хусусиятларини инобатга олиш, оилада шахслараро муомала маданияти, ўғил ва қиз бола одоби, оилавий кадриятлар тизимини таркиб топтириш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, соғлом маънавий муҳитни мустаҳкамлаш лозимлиги кўрсатилди.

Олий таълим бошқарувининг бу каби ижтимоий тадқиқот натижалари асосида амалга оширилиши бўлғуси мутахассисларнинг ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишларида, уларда шахсий ва касбий компетенцияларни таркиб топтиришда, ўз ҳаётига нисбатан масъулият ҳиссини ривожлантиришда ва фаолият самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутди.

## REFERENCES

1. Alimkhodjaev S.N., Haydarov F.I. Complex of methods of psychological diagnosis., Tashkent: "Science", 2008.
2. Беспалько В.П.Педагогика и прогрессивные технологии обучения.-Москва, 1995.
3. Демин Г.А. Методы принятия управленческих решений.-Пермь, 2019.
4. Dostmuhamedova Sh.A., Nishanova Z.T. and others. Ages and pedagogical psychology - Tashkent: "Teacher", 2013.
5. Mahmudov I.I. Management professionalism: psychological analysis.-Tashkent, "Academy", 2011.
6. Филиппов В.М. Управление высшей школой: опыт, тенденции, перспективы.- Москва, "Логос" 2006.